



БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ МҲҲС АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ЗАРУРАТИ.

Каримов Аббос Акрамович—

*Тошкент Молия институти Бухгалтерия ҳисоби кафедраси, и.ф.д,
профессори.*

Жўрақулов Лочин Собиржон уғли—

Тошкент Молия институти магистранти

Аннотация: Ушбу мақолада Республикамизда бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС) асосида ташкил этиш ва уни такомиллаштириш. МҲҲСга ўтишнинг долзарблиги ҳамда муаммолари ва ечимлари уз аксини топган.

Калит сўзлар: Бухгалтерия ҳисоби. молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, молиявий ҳисобот. бухгалтерия ҳисобини ислох этиш.


Ҳўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби - бу ушбу субъектларнинг мол-мулки тўғрисидаги маълумотларни пул шаклида йиғиш, рўйхатга олиш ва умумлаштиришнинг тартибли тизими бўлиб барча операцияларни узлуксизлигини ва ҳужжатли ҳисобга олиш орқали фаолият олиб бориш ҳаракатини белгилайди.

Бухгалтерия ҳисоби ҳўжалик юритувчи субъект томонидан юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган пайдан бошлаб қайта ташкил этилгунга қадар доимий равишда юритилади. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида" қонунига мувофиқ ва халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда, бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари:

- бухгалтерия ҳисобининг ички фойдаланувчилари учун зарур бўлган ҳўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти ва унинг мулкӣ ҳолати тўғрисида тўлиқ батафсил, ишончли ва мазмунли маълумотларни шакллантириш;

- ҳисобот бериш - корхона раҳбарларига, акциядорларига, шунингдек ташқи томонлар - инвесторлар, кредиторлар ва молиявий ҳисоботларнинг бошқа фойдаланувчилари;

- ҳўжалик юритувчи субъект ҳўжалик операцияларини амалга ошираётганда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига риоя этилишини ва уларнинг мақсадга мувофиқлигини, мулк ва мажбуриятларнинг мавжудлиги ва ҳаракатини, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан фойдаланишни назорат қилиш учун молиявий ҳисоботнинг ички ва ташқи фойдаланувчилари учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этиш. молиявий тасдиқланган нормалар, стандартлар ва сметаларга мувофиқлигини таъминлаш;





- хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг салбий натижаларини олдини олиши ва унинг молиявий барқарорлигини таъминлаши;

- бошқарув қарорларини қабул қилиш учун бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлардандан фойдаланиши.

Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик субъектларида бухгалтерия ҳисоби иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги бухгалтерия ҳисоби билан чамбарчас боғлиқ. Бу муносабатлар субъектларнинг иқтисодий фаолияти билан белгиланади. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан маҳсулот сотиш бўйича амалга ошириладиган операциялар, ҳисоб-китоблар ва бошқалар бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (МХХС) ташқи ва ички фойдаланувчилар учун маълумотлар шакллантириладиган хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби тизимига ҳам махсус талабларни қўяди.

МХХС бўйича фойдаланувчилар ҳақиқий ва потенсиал инвесторлар, ходимлар, кредиторлар, мижозлар ва давлат органлари, шунингдек, кенг жамоатчилик бўлиши мумкин.

Фойдаланувчиларнинг манфаатлари сезиларли даражада фарқ қилганлиги сабабли, МХХСга мувофиқ бухгалтерия ҳисоби ушбу фойдаланувчиларнинг барча ахборот эҳтиёжларини тўлиқ қондира олмайди ва тўпланган бухгалтерия маълумотлари энг кенг тарқалган эҳтиёжларни қондириш учун мўлжалланган.

Ички фойдаланувчилар учун маълумотларга келсак, МХХСга мувофиқ бухгалтерия ҳисобининг мақсади бошқарув қарорларини қабул қилиш учун хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти учун фойдали бўлган маълумотларни яратишдир. Бу шуни англатадики, ташқи фойдаланувчилар учун маълумотлар, шу жумладан, ички фойдаланувчилар учун хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолати, унинг фаолияти натижалари ва молиявий аҳволидаги ўзгаришлар билан боғлиқ маълумотлар асосида шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикасидаги корхоналарининг эгалари кўпинча муваффақиятсизликларининг сабабини кўришади ва зарур маълумотларни топиш, солиқ кодекиси ва молиявий ҳисоботларни тайёрлаш; турли характердаги иқтисодий шароитлар сотишдан тушган тушумларнинг пастлиги, инвентаризациянинг нотўғри ҳисобланиши, юқори операцион харажатлар, айланма маблағларнинг этарли эмаслиги, шунингдек, корхоналарнинг асосий капиталининг жуда катталиги каби ҳодисаларда. Ушбу муаммоларни эрта босқичда аниқлаш, кейинчалик уларни олдини олиш учун яхши ташкил этилган бухгалтерия тизими имкон беради. Хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби тизими батафсил ва самарали





бўлиши керак, гарчи бу корхона эгасининг ҳаракатлари бухгалтерия маълумотларига асосланмаган бўлсада, бу этарли бўлмаслиги мумкин.

Миллий стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботга трансформация қилишнинг ягона методологияси мавжуд эмас. Ҳар бир корхона ўзининг молиявий хўжалик фаолияти хусусияти, ресурси ва ходимларининг профессионал даражасидан келиб чиқиб трансформация жараёни методологиясини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ. Фикримизча, ҳар бир корхона молиявий ҳисобот трансформацияси бўйича ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши шарт. Шу боис, компанияда молиявий ҳисобот трансформациясини амалга ошириш учун қуйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлиши керак:

- компанияда МҲХСлари бўйича тузилган молиявий ҳисоботига зарурият бўлиши керак. Компаниянинг ички ва ташқи ахборот фойдаланувчиларида МҲХС бўйича тузилган молиявий ҳисоботдан фойдаланиш ва унинг асосида қарорлар қабул қилишига муҳит юзага келиши шарт;

- миллий стандартлар асосида тайёрланган молиявий ҳисобот объектив, ишончли, уйғун ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандартларига тўлиқ мувофиқ келиши керак. Аудиторлик хулосаси олиниши мақсадга мувофиқ. Фарқланишлар ва қалбакилаштириш ҳамда миллий стандартлар талабларидан четланишлар катта бўлган ҳолларда трансформация кутилган натижани бермайди. Чунки, БҲМСлари асосида тайёрланган молиявий ҳисобот МҲХСлари бўйича тузиладиган молиявий ҳисоботга хомашё ҳисобланади.

- корхонанинг замонавий менежмент тизими, хусусан молиявий департамент бошқарув тизими, унинг таркибида молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими мавжуд бўлиши керак.

- компания барқарор молиявий ҳолатга эга бўлиши керак. Барқарор бўлмаган, сурункали зарар билан ишлайдиган компаниялар молиявий ҳисоботини трансформацияси этарли шаффоф бўлмайди ва кутилган натижани бермайди.

- компанияда МҲХСларини биладиган, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот соҳасида чуқур профессионал тайёргарликка эга бўлган, иқтисодий математикани қўллай оладиган мутахассисларга эга бўлиши керак. Чунки, трансформация қийин, мураккаб ва профессионал ёндашувни талаб қиладиган жараён ҳисобланади. Чет тилини мукамал биладиган ва соҳа бўйича хорижда малака оширган, хорижий компанияларда молия соҳасида ишлаган мутахассисларга зарурат мавжуд. МҲХСни қўллашда айниқса биринчи ҳисоботни тузишга жуда катта эътибор қаратиш керак. Бу борада Г. Исломованинг “МҲХС бўйича дастлабки ҳисоботни тақдим этиш жуда сермеҳнат ва мураккаб жараён бўлиб, кўрсаткичларни талқин қилиш чоғида






малакали ёндашув, жуда катта ҳажмли ишончли ахборотни профессионал баҳолаш ва йиғишни талаб қилади. 2015 йил учун МҲХС бўйича дастлабки ҳисоботни тузиш учун компания ҳозирданоқ аввалги йиллар учун ҳисоботни трансформациялашни, активлар ва мажбуриятларни баҳолашни бошлаши керак. Жорий ҳисобот йилини «ёпгандан» кейин уни чоп этиш учун 2015 йилги МҲХС бўйича молиявий ҳисоботни тузиш керак” деган фикрларига тўлиқ қўшиламиз. МҲХСларига мувофиқ молиявий ҳисоботни тузишда “Мазмуннинг шаклдан устунлиги” тамойилига амал қилинади. Бу шуни англатадики, бизнинг миллий ҳисоб тизимимизда барча жараёнлар ялпи ва узлуксиз хужжатлаштирилади. Халқаро тамойиллар эса операциянинг қандай шаклда ва хужжатда расмийлаштирилганлигига эмас, балки унинг иқтисодий моҳиятига эътибор қаратади. Масалан, адолатли қиймат асосида баҳолашни кўп жиҳатдан жараённинг иқтисодий мазмунини тўлароқ тавсифлайди. Шу боис, халқаро стандартлар адолатли баҳолашга устувор аҳамият қаратади. МҲХСлари асосида тузилган молиявий ҳисоботнинг бош сифат тавсифларидан бўлиб унинг уйғунлиги, яъни қабул қилинаётган қарорларга қанчалик даражада таъсир кўрсата олиши ҳамда ишончилиги, яъни ахборотларнинг қанчалик даражада объектив ва ҳаққоний жараёнларни акс эттириши бўлиб ҳисобланади. Адабиётларни ўрганиш асосида хулоса қилиш мумкинки, трансформация жараёнини бир қанча босқичларга ажратиш мумкин. Бунга ҳар бир компания ўз имкониятлари ва профессионалик даражасида ёндашади. Фикримизча, ҳар қандай бажариладиган ишни шартли равишда учта босқичга ажратишимиз мумкин, масалан биринчи босқич шу ишни амалга ошириш учун тайёргарлик кўриш, кейин иккинчи босқичда уни амалга ошириш ва сўнгги учинчи босқичда натижага эришиш ва уни фойдаланувчилар ва буюртмачиларга етказиш босқичларига ажратиш мақсадга мувофиқ. Шу нарқата назардан келиб чиқадиган бўлсак, трансформация жараёнини ҳам шартли равишда тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш ҳамда натижага эришиш ва уни тақдим этиш босқичларига ажратишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ташназаров С.Н., Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди “МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ ВА УЛАРГА ЎТИШ ЗАРУРИЯТИ” мақоласи

1. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, 10- модда. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 142-модда.





2. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари тўплами. – Т.: «NORMA», 2011.

4. Ташназаров С.Н. Молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи: халқаро ва миллий жиҳатлари. Монография. – Т.: «Иқтисод-Молия», 2009 й. -168-б.

5. Исломова Г. “МҲҲС билан ишлашга тайёرمىсиз”// СБХ/2015 йил/№26. 2-бет.

